

91
М-91

Э. МУРЗАЕВ

УЗОК
ОСИЁДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
нашриёти



ПРОВЕРЕНО

Э. МУРЗАЕВ

91
М-91

УЗОҚ ОСИЁДА

ХІХ—ХХ АСРЛАРДА
ЎРТА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ
ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН
ОЧЕРКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1960

Урта ва Марказий Осиёни географик томондан ўрганишда машҳур рус олимлари П. П. Семенов-Тянь-Шанский, Н. М. Пржевальский, А. П. Федченко ва бошқаларнинг хизмати каттадир. Китобда юқорида номлари кўрсатилган олимларнинг таржимаи ҳоллари қисқача баён этилади. Лекин уларнинг XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Урта Осиё ва Марказий Осиёга қилган саёҳатлари ва бу саёҳатлар натижасида қўлга киритган ютуқлари тўғрисида батафсил ҳикоя қилинади.

СЎЗ БОШИ

Рус олимларининг Урта ва Марказий Осиёда олиб борган текшириш ишлари Ер шарини географик жиҳатдан ўрганиш тарихида порлоқ саҳифадир. Ватандошларимизнинг бу мамлакатларга қилган дастлабки саёҳатлари узоқ замонларга бориб тақалади, лекин бу мамлакатларни илмий томондан ўрганиш иши сўнгги юз йилликда катта натижалар бера бошлади. XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Осиё қитъасининг киши қадам босиши жуда қийин бўлган ички қисмларини ўрганишда янги давр бошланди. Урта ва Марказий Осиёни текшириш ишлари рус олимлари томонидан бажарилди, бу ишлар бутун дунёда эътироф этилди.

Ғарбий Европа географларининг Осиё ички қисмига жасурана кириб бориш тўғрисида қилган орзуси бизнинг географларимиз ва табиётшуносларимиз томонидан амалга оширилди. Улар бу қитъа ички қисмининг турли томонларига бордилар ва Урта ҳамда Марказий Осиёнинг ҳақиқий табиатини тасвир этдилар.

Бу китобчада баъзи рус олимларининг Ички Осиёда олиб борган ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу ишлар П. П. Семенов-Тянь-Шанскийнинг Марказий Тянь-Шанга қилган саёҳатлари билан бошланган (маълумки, у дастлабки текшириш ишларини 1856—1857 йилларда бошлаган) эди.

Китобхонлар диққатига ҳавола қилинган очерклар, асосан, саёҳатчиларимизнинг Урта ва Марказий Осиёдаги кашфиётлари ва ишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бирор олимнинг текширишларига характеристика беришда унинг бошқа асарларини бутунлай тилга олмас-

дан, фақат Осиёдаги текширишлари билан чегараланиб қолиш нотўғри бўлар эди. Шунинг учун ҳар бир очеркда олим ҳақида асосий биографик маълумотлар, унинг фанга қўшган ҳиссаси тўғрисида қисқача характеристика берилади, лекин китобнинг вазифаси ва темасига мувофиқ, асосий диққат Ўрта ва Марказий Осиёга қилинган саёҳатлар ва уларнинг илмий натижаларини ёритишга қаратилади. Автор Ўрта ва Марказий Осиё табиатини текширган рус олимлари тўғрисидаги баъзи очерклари-ни илгари турли журнал ва тўпламларда нашр эттирган эди. Бу нашрда ўша очерклар китобнинг умумий планига мувофиқ қайта ишланди, китобдаги очеркларнинг кўпи биринчи марта нашр қилинмоқда.

Боблар хронологик тартибда жойлаштирилган. Ўрта ва Марказий Осиёни текширган атоқли рус олимлари китобда кўрсатилган ўн икки кишидангина иборат эмас, албатта. Г. Карлен, В. Роборовский, А. Миддендорф, А. Краснов, С. Неуструев ва бошқа сайёҳларнинг ишлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилса арзийди. Аммо китоб ҳажмининг кичик бўлиши кўпчилик текширувчилар тўғрисида сўзлаш учун имкон бермади. Автор келгусида бу китоб темасига яна қайтиш ва Ўрта ҳамда Марказий Осиёни текширувчи бошқа машҳур кишилар тўғрисида ҳикоя қилиш ниятидадир.

Автор ўз қўлларида бўлган расмларни авторнинг қўлидаги расмлар билан бирга нашр этилишига рухсат этган проф. А. Банников, А. Кесь, проф. И. Райкова, Л. Смирнова ва Б. Федоровичга ташаккур изҳор қилади.

РУС ОЛИМЛАРИ ЎРТА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

Осиё қитъаси картасига бир қаранг. Ўрта денгиздан то Тинч океан қирғоқларига қадар тоғлар чўзилиб кетган. Дарёлар, тоғликлар ва пасттекисликларнинг расмлари картада бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган эмас. Бу ишни бажариш учун юзларча йиллар давомида кунт билан меҳнат қилиш, қаҳрамонона саёҳатлар уюштириш керак бўлди. Фақат XIX асрнинг иккинчи ярмида Ички Осиёнинг — қитъанинг киши қадами етиши қийин бўлган қисмининг сирлари фанга маълум бўла бошлади.

Ўрта ва Марказий Осиёни улкан тоғ тизмалари ўраб олган. Қорли тоғ тизмалари баланд, тоғликларнинг иқлими даҳшатли ва совуқ, Осиёнинг Гоби ва Тақла-макон, Қорақум, Қизилқум ҳамда Устюрт каби улкан саҳролари сувсиз ва ёзи жазирама иссиқдир.

Жанубда Ҳимолой, Куньлунь, Тянь-Шань ва Ҳиндикуш тизма тоғлари билан ўралган улкан Тибет ва Помир тоғлари қад кўтарган. Жануби-шарқда тармоқларга бўлиниб кетган Наньшань тоғ мамлакати жойлашган. Марказий Осиёнинг ғарбида Тянь-Шань, Олтой тоғлари савлат тўкиб туради, шимолида Танну-Ола, Шарқий Соён ва бошқа тоғлар бор. Шарқда меридиан бўйлаб Катта Хинган тоғи жойлашган, ғарбда дунёда энг катта кўл — Каспий денгизи мавжланиб туради.

Осиёнинг денгизлар ва океанлар бевосита таъсир этмайдиган ички қисмининг иқлими қурғоқчил, саҳро иқлимидан иборат, дарёлар кам, дарахтлар баланд тоғларнинг ёнбағирларидагина ўсади. Деҳқончилик қилинадиган, аҳоли зич жойлашган воҳалар одатда тоғларга яқин, дарёлар оқиб ўтадиган ерлардадир. Бу дарёларнинг сув-

лари далаларга, боғларга, полизларга ҳаёт бағишлайди. Ўсимликлари кам бўлган катта қумлоқ майдонларда қўйлар, эчкилар, туялар, йилқилар ва қорамоллар боқилади. Тоғ тизмаларининг денгиз, океан ёки қитъа ичкари-сига нисбатан ёғингарчилик кўпроқ бўладиган районларга қараган ташқи томонида иқлим бошқачадир. Бу ерларда ёмғир кўпроқ ёғади, ўсимликлари ҳам бошқача — ўрмонлар, қалин ўтлоқлар, бўйдор ўтлар ўсган чўллар кўзга ташланади.

Ўрта ва Марказий Осиёнинг дарёлари баланд тоғлардан бошланади. Уларнинг сувлари қорли тоғ тизмаларидан тоғ этагидаги текисликларга ва тоғлар оралиғидаги катта чўкмаларга отилиб тушади. Аммо саҳроларнинг сувсиз ерлари, қумлар ёки атрофи берк чўкмалар уларнинг йўлини тўсади, бундай ерларда дарёлар тошиб, кўллар ёки кенг шўрхоқлар ҳосил қилади. Масалан, юзларча километрга чўзилиб кетган шўрхоқлардан иборат Цайдам номли котловина ёки суви мавж уриб турган Кукунор кўли — чўкмаси шулар жумласига киради.

Марказий Осиёнинг йирик дарёларидан бири—Тарим Тақла-макон саҳросидан оқади, у ўз сувини Тянь-Шандаги Қорақурум тизма тоғларидан олади ва узоқ масофани босиб ўтиб, ботқоқланган Лобнор кўлига қуйилади. Фақат битта дарё мингларча километрлик узоқ масофадан иборат Марказий Осиёдан оқиб ўтади, ғовак тупроқларга сингиб кетмайди, маҳаллий кўлларга бориб қуяйилмайди, балки Улуғ Хитой текислигининг яшил далаларига томон оқади. Бу — серсув Хуанхэ дарёсидир. У Ордос номи билан машҳур бўлган мамлакат жойлашган ерда катта қайилма ясаб, саҳрони кесиб ўтади. Ордосдан ғарб томонда — дарёнинг нариги томонида Алашань қумлари ястаниб ётади, шимолида эса адрли ва ували Мўғулистон Гобиси жойлашган.

Ўрта Осиёнинг табиати жуда хилма-хилдир. Бу ерда Совет Иттифоқидаги энг баланд тоғлар бевосита энг чуқур чўкмалар яқинида, музликлари бўлган энг катта тоғ тизмалари эса мамлакатимизнинг энг иссиқ, қурғоқчил саҳролари яқинида жойлашган.

Ўрта Осиё текисликларига ёғин жуда кам ёғади, шунга қарамай, катта кўл — Орол денгизи шу ерда жойлашган, серсув ва катта дарёлар—Амударё ва Сирдарё кенг саҳроларни кесиб ўтади. Термиз районида, Амударёнинг ўрта оқимида соя жойда температура 50 даражага етади, аммо қўшни тоғларда бутун ёз давомида



1-расм. Марказий Тянь-Шань тоғларида. Сарижаз ҳавзаси. Тик ёнбағирлар бўйлаб ўсган Тянь-Шань оқ қарағайи.

қор эримай туради. Баланд жойларнинг табияти совуқ шимол тундрасининг табиятига ўхшаб кетади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ва революциядан кейинги дастлабки йилларда ҳозирги Ўрта Осиё республикалари: Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон, шунингдек Жануби-шарқий Қозғистон территорияларидан иборат бўлган бутун ўлка «Туркистон», яъни «турклар мамлакати» деб аталар эди. Бундай деб аташ унча тўғри эмас, чунки Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг ҳаммаси ҳам турк тилида сўзлашмайди. Шунинг учун ҳам 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилгандан кейин «Туркистон» деган географик ном ўрнига «Ўрта Осиё» деган ном кўпроқ ишлатила бошланди. Бу ном Помир ва совет Тянь-Шанидан шарқда жойлашган мамлакатлар: Мўғулистон ва Хитойнинг ғарбий қисмидан иборат Марказий Осиёдан фарқ қилиш учун қўлланилди. Ўтган асрда баъзи географлар дарёлари океанга қуйилмайдиган бутун Осиё территориясини Марказий Осиё деб тушунганлар. Шундай қилиб, Туркистон Еттисув области билан биргаликда Марказий Осиёга кирган. Гарчи «Ўрта Осиё» номи бутун дунё география адабиётида кун сайин кенг тарқалаётган бўлса ҳам, хорижий мамлакатларнинг баъзи олимлари Марказий Осиё билан Ўрта Осиё ўртасидаги физик-географик фарқни ҳозиргача эътироф этмайдилар.

Марказий Осиё территорияси иккита давлатга — Шарқдаги бизнинг дўстларимиз — Хитой Халқ Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикасига қарайди. Кўпинча, қулай бўлсин учун Ўрта ва Марказий Осиёни Осиё қитъасининг ички қисми ёки қисқароқ қилиб, Ички Осиё деб атайдилар.

Ўрта ва Марказий Осиёда қадим замонлардан бери аҳоли яшаб келади. Тоғларнинг этакларидан ва водилардан, шунингдек саҳролардан топилган тош асри қурул-лари — чақмоқтошдан ясалган турли белкураклар, ўқ-ёйлар, пичоқлар бу ерда кишилар жуда қадим замонлардан бошлаб меҳнат қилганини кўрсатади. Тарих қадимги даврлардаёқ ҳозирги Ўрта Осиё территориясидаги қудратли ва юқори маданиятли бир қанча давлатларни билади. Зарафшон ҳавзасида жойлашган Сугдиёна, Амударёнинг Ўрта оқимида жойлашган Бақтрия, Мурғоб бўйида жойлашган Марғиёна ва Амударё этагида, шу дарё дельтасида жойлашган гуллаган Хоразм шулар жумласидандир. Бу қадимги давлатларнинг аҳолиси ўз этно-

трафик ва тил хусусиятларига кўра ҳозирги даврдаги кишилардан фарқ қилган.

Ўрта Осиёга кўп истилочилар келди ва кўпгина халқ ҳамда армиялар унинг ичкарисига бостириб кирди. Ажнабий армиялар моҳир ва меҳнатсевар қабилалар бунёдга келтирган шаҳарларни ва ажойиб ирригацион иншоотларни вайрон қилди.

Ўрта Осиёда минг йиллар давомида деҳқончилиги юқори даражада тараққий қилган ўтроқ халқлар маданияти билан кўчманчи чорвадорлар маданияти ўртасида тўқнашиш юз бериб келди.

Ўрта Осиё сайёҳлар томонидан «кашф қилиниши» мумкин эмас эди, у Яқин Шарқ халқларига қадимдан маълум эди. Ўрта Осиёнинг географик номлари қайд қилинган дастлабки ёзма ҳужжат эрамиздан бурунги VI—V асрларга оиддир. Бу ҳужжат машҳур Бехистун ёзуви бўлиб, Эрон шоҳи Доро номидан форс, элам ва вавилон тилларида ёзилган.

Қадимги даврларда Ўрта Осиё халқларининг маданияти юқори бўлишига қарамай, Ўрта Осиё географиясига оид адабий манбалар жуда кам, тўлиқ эмас, баъзилари эса нотўғридир. Адабий манбаларнинг бундай бўлишига географик манбаларнинг бизгача жуда кам етиб келганлиги сабаб бўлса керак.

Халдларнинг Каспий денгизи тўғрисидаги тасодифий тасаввурлари Кайхусров ва Доронинг дастлабки юришларидан кейин анча кенгайди, натижада Амударёнинг нариги томонида, Тянь-Шань тизма тоғларигача, «ернинг охиригача» бўлган ерларда жойлашган мамлакатлар тўғрисида дастлабки маълумотлар пайдо бўла бошлади. Геродот (милоддан олдинги V аср) Ўрта Осиё тўғрисида кенг маълумот (шу жумладан, форс тилидаги маълумотларни) тўплади. Искандар Зулқарнайннинг (милоддан олдинги IV аср) шарққа юриши қадимги дунё географларининг Ўрта Осиё тўғрисидаги тасаввурларининг кенгайиши учун имкон берди. Грек қўшинлари Фарғонагача келдилар, бу водининг ғарбий чегарасида Ўзоқ Искандария (ҳозирги Ленинобод) шаҳарига асос солинди.

Гарчи қадимги дунё географларининг Ўрта Осиё географияси тўғрисидаги тасаввурлари ибтидий бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу маълумотлар Европада камида минг йиллар давомида ҳеч қандай қўшимчасиз ва ўзгаришсиз сақланиб қолди, янги тарихий воқеалар содир бўлиб,

савдо ривожланиб, Европада мўғуллар пайдо бўлгунга қадар Осиё қитъасининг ички қисмига янги саёҳатлар қилиш тўғрисида ўйлаб кўрилмади.

Ички Осиёнинг географияси қадимги дунё ёзувчиларининг қизиқтириб қўя қолмади. Хитой сайёҳлари, хитой энциклопедистлари асарларида ҳам Тянь-Шандан ғарбда жойлашган мамлакатлар тўғрисида маълумотлар бор. Европа географларининг Хитой географларидан олган бу номининг ўзи Ўрта Осиёнинг тоғлиқ қисмини билишда хитой фанининг устунлигини яққол кўрсатиб турибди. Аммо Хитой манбалари Европада узоқ вақтлар давомида маълум бўлмай келди. Гарчи бу кашфиётлар европаликлардан анча олдин хитойлар томонидан қилинган бўлса ҳам, Европа сайёҳлари томонидан олиб борилган кўп текширишлар янги кашфиётлар сифатида қабул қилинган эди. К. Риттер хитой халқининг Осиё географиясидан хабардорлиги тўғрисида қатъий бир фикрга келиб, «Хитой ўзи яшаб турган Осиё қитъасининг ғарбий яри тўғрисида ғарбагиларга нисбатан анча илгари чуқур ва аниқ географик маълумотларга эга эди... Татариya, Тибет, Тункин, Туркистон, Бухоро, Кохинин тўғрисида, Ҳиндистон, Эрон ва Сибирь билан қўшни бўлган ерлар тўғрисида маълумотлар олинган эди... Шундай қилиб, узоқ асрлар давомида Хитойда бутун Шарқий Осиё тўғрисида қимматли географик маълумотлар тўплади... Ҳозирги кунда, бундай манбалардан фойдаланиш асосида бу мамлакатларнинг илгариги аҳамиятсиз ва беҳуда гаплардан холи бўлган географиясини тузиш мумкин»¹, — деб ёзган эди.

Хитой географлари Шарқий ва Жанубий Осиёни, Осиёнинг Тинч океандаги ороллари яхши билар, ғарбда эса Хитой сайёҳлари Ўрта Осиё ва Эронгача борган эдилар.

Ички Осиё мамлакатлари тўғрисида араб ва маҳаллий авторлар ҳам ёзган эдилар. Шарқ манбалари рус шарқшуносларининг асарлари туфайли кишиларга маълум бўлди. Бу соҳада академик В. В. Бартольднинг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Ўрта Осиё ва Марказий Осиё олимлари: хоразмлик Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Беруний ва бошқа-

ларнинг асарларини эслатиб ўтмасдан бўлмайди. Улар географик характердаги ажойиб асарлар ёзиб қолдирдилар, бу асарлар Европада анча кейинроқ маълум бўлди. Европада Осиё мамлакатлари тўғрисида ёлғон-яшиқ гаплар гапирилганига ва ёзилганига ажабланмаса ҳам бўлади. Хитой ва Шарқдаги бошқа географик манбалар Европа олимларига маълум бўлгандан кейингина Марказий ва Шарқий Осиё географиясини умумлаштириш имконияти туғилди. XVII аср бошларида русларнинг Туркистон, Мўғулистон ва Хитойга қилган саёҳатлари ҳам бунга анча ёрдам берди.

Руслар бу мамлакатларга анча олдин ҳам борган эдилар, лекин уларнинг XVIII аср бошидан бўёнгги ёзма маълумотлари бизгача етиб келган, бу маълумотлар тез орача Европа тилларига таржима қилинган.

Рус сайёҳлари Марказий Осиёга шимол томондан келдилар. 1616 йилда казак атамани Василий Тюменец Мўғулистонга, мўғул Олтинхони олдида келишга муваффақ бўлди. Тюменецнинг маълумотлари Москвада Сибирь буйруғида қайд қилинди, шунинг учун ҳам улар бизгача етиб келди.

Сибирь казаги Иван Петлин Мўғулистон ва Хитой тўғрисида муҳим маълумотлар берди, у рус сайёҳлари ичида биринчи бўлиб Хитойга борган ва Пекинда бўлган киши эди. У 1618 йилда Андрей Мундов билан биргаликда Томскдан саёҳатга чиқиб кетди. Иван Петлин келгуси йилнинг баҳорида ўз ватанига қайтиб келди.

Иван Петлин ўзининг ажойиб саёҳати тўғрисида, у борган жойларининг аҳолиси, савдоси, ҳўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумот берадиган ажойиб ҳисобот ёзди. Петлиннинг ҳисоботи чет элларда ҳам кенг шухрат қозонди, у инглиз, француз ва голланд тилларига таржима қилинди.

1620 йилда Иван Хохлов Москва шоҳи Михаил Федоровичнинг элчиси сифатида Ўрта Осиёнинг қадимги савдо ва сиёсий марказлари: Хива, Бухоро ва Самарқандга келган эди. Хохлов Ўрта Осиёда ўзи кўрган нарсаларнинг тўлиқ рўйхатини тузиб чиқди. Каспий денгизидан ўтишда Хохловнинг қайиғи ҳалокатга учради, сайёҳлар Манғишлоқнинг саҳродан иборат қирғоғига чиқиб ўзларини қутқариб қолдилар. Улар бу ерда туркманларга қарши жанг «қилдилар». Хохлов ўз рўйхатида «Дарёликдан Бухоро ерларигача бўлган чўл-биёбонларни, қумларни ўн икки кун ичида босиб ўтдик», Бухоро билан

¹ К. Риттер. История землеведения и открытия по этому предмету, СПб., 1864, 70-бет.

Хоразм ўртасида «кишилар яшайдиган жойлар йўқ, ҳамаёқ қум, ёмон жой» деб ёзган эди.

Руслар Петлин ва Хохловдан кейин Ўрта ва Марказий Осиёга бир неча марта саёҳат қилдилар. Кейинчалик, XVII асрда рус сайёҳлари қитъанинг ички қисмида тез-тез кўрина бошладилар. Лекин айрим сайёҳларнинг якка-ёлғиз саёҳатлари бепоеън Осиёнинг турли томонларини ўрганиш учун бирор ишончли амалий материал бера олмас эди. XVII ва XVIII асрларнинг сайёҳлари геосиз кишилар эди. Йирик маданий марказларнинг денгизлардан узоқда бўлиши, бу ерларнинг баланд тизма тоғлар билан ўралганлиги, алоқа йўлларининг ёмонлиги, Осиё ички қисмининг улкан саҳроларида ва иқлими сонинг ҳаммаси Марказий Осиё географиясининг қарийб яна бир аср номаълум бўлиб қолишига сабаб бўлди.

1875 йилда Н. М. Пржевальский шуларни ёзган эди: «Шимолда Сибирь тоғларидан жанубда Ҳимолой тоғларигача ва Помирдан то Ҳитойнинг ўзигача бўлган бутун шарқий тоғлик Осиё ҳозиргача Марказий Африка ёки Янги Голландия² оролининг ички қисми каби жуда кам ўрганилган. Ҳатто биз бу поёнсиз майдоннинг орографик тузилиши тўғрисида ҳам фақат тахминий маълумотларга эгамиз; бу мамлакатларнинг табиати тўғрисида, яъни уларнинг геологик тузилиши, иқлими, флораси, фаунаси тўғрисида деярлик ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Ҳолбуки, бутун Шарқий Европадан катта бўлган ва ҳамма континентлар ичида энг каттаси ўртасида жойлашган бу terra incognita денгиз сатҳидан шунча баландда турадими, ер шаридаги мамлакатлардан бирортаси ҳам бунчалик баландликда жойлашган эмас, ниҳоят гоҳ улкан тизма тоғлар билан қопланган, гоҳ кўз илғамас саҳролардан иборат бўлган бу жойга ҳар томонлама зўр қизиқиш туғилмоқда»³.

Ўрта Осиё мамлакатларининг табиатини илмий жиҳатдан системали ўрганиш руслар Туркистонга келган даврдан бошланди. Бундай текширишлар XIX асрда,

² Австралия шу ном билан аталарди. Австралияни XVII асрнинг биринчи ярмида голландиялик Виллям Янц ва Тасман кашф этган эдилар.

³ Н. М. Пржевальский. Монголия и страна тангутов, М., 1946, 41-бет.

яъни атоқли рус географлари ва табиатшунослари: П. П. Семенов-Тянь-Шанский, Г. С. Карелин, А. П. Федченко, Н. А. Северцов, Н. М. Пржевальский, И. В. Мушкетов, Г. Н. Потанин, М. В. Певцов ва бошқалар Турон пасттекислиги ва Гоби саҳросига, Тянь-Шань, Помир, Наньшань ва Тибет тоғларига саёҳат қилган даврда айниқса унумли бўлди. Уларнинг асарлари Осиёнинг бу қисми табиати хусусиятлари тўғрисидаги билимимизни анча оширди ва дастлабки илмий хулосалар чиқариш, бу жойларнинг атрофини ўраб турган мамлакатлар табиати билан ўзаро алоқасини аниқлаш имконияти туғилди.

Русларнинг Ички Осиёни текширишлари ер шарини ўрганиш тарихида порлоқ саҳифалар очди. Ўрта ва Марказий Осиёнинг текширилиши туфайли, география фани XIX асрдаёқ бутун дунёда кенг эътироф этилди. Марказий ва Ўрта Осиёни текширувчилар ичида рус сайёҳлари узоқ ва киши қадами етиши қийин бўлган областларга биринчи бўлиб дадиллик билан ва буюк мақсад йўлида қилган саёҳатлари сонининг кўплиги билан ҳам, шунингдек бир қанча ажойиб монографияларда умумлаштирилган фактик материалларнинг кўплиги ҳамда илмий аҳамияти билан ҳам, шубҳасиз, биринчи ўринни эгалладилар.

XIX асрда ва XX аср бошларида табиатни ўрганишда асосан мутахассислар: географлар, геодезистлар, геологлар, ботаниклар, зоологлар, шу жумладан, йирик рус олимлари қатнашдилар.

XIX асрга қадар фанда Ўрта Осиё ва унинг табиати тўғрисида баъзи бир тўла бўлмаган, бир-бирига боғланмаган илмий маълумотларгина бор эди. Лекин бу маълумотларнинг кўпи мутахассис бўлмаган кишилар томонидан ёзилган бўлиб, улар бу ажойиб ва турли-туман мамлакатларнинг табиати тўғрисида жуда оз тушунча берар эди.

XIX асрда рус олимлари Ўрта ва Марказий Осиёни турли фан соҳалари бўйича системали равишда ўргандилар ва унинг киши қадами етиши қийин бўлган жойларига ҳам кириб бордилар.

Рус олимларининг Ўрта Осиёни ўрганишлари Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishiга ёрдам берди. 1865 йилда Тошкент, 1884 йилда эса Закаспийдаги туркман ерлари Россияга қўшиб олинган эди. Гарчи Бухоро билан Хива Ўрта Осиёда номигагина айрим давлатлар

бўлиб қолган бўлса ҳам, амалда Бухоро амирлиги Россияга тобе эди, 1873 йилда эса Хива хонлиги ерларининг бир қисми Россияга ўтди ва Хива хони ўзининг Россияга қарамлигини эътироф этди.

Чор ҳукумати кенг ва ҳар томонлама текширишларни йўлга қўйишга унчалик аҳамият бермади. Бундай ишлар Октябрь революциясидан кейин кенг йўлга қўйилди.

Ўрта Осиёнинг Россия составига қўшилиши Туркистоннинг табиий шароитларини ва табиий бойликларини ўрганишга ижобий таъсир қилди. Туркистонни ўрганиш рус география фанининг ажойиб ютуқларидан бири бўлиб қолди.

Рус сайёҳлари Ички Осиёнинг аҳолиси кам бўлган бепоён областларининг ҳозирги замон картасига асос солдилар. Янги районларга келган ҳамма текширувчилар босиб ўтган йўлларининг топографик сўмкасидан олдин метрдан ортқ йўлни картага чиздилар. Юзлаб астрономик пунктлар ва минглаб абсолют баландликлар аниқланди. Бу ишлар натижасида фан Ички Осиёнинг рельефи тўғрисида аниқ ҳукм чиқариш имкониятига эга бўлдики, бунгача у тоғлар орасида кенг баландликлари бўлиб, бир-бирини кесиб ўтган тоғлар тарзида тахмин қилинар эди. Рус текширувчилари ҳамма жойда (баъзи мустаснолардан ташқари) кенглик бўйлаб ёки бу йўналишга яқин ётган мураккаб ва тармоқли кетган тоғ системалари борлигини аниқладилар. Тизмалар орасида баландликлар эмас, балки чўкмалар жойлашган бўлиб, булар Тянь-Шань, Наньшань, Куньлунь ва Мўғулистон Олтойи морфологияси учун характерлидир.

XIX асрнинг биринчи ярмидаги олимлар ўйлаганларидек, бу ерда тоғлар вулканларнинг отилишидан пайдо бўлмаган, балки ер қобиғининг кўтарилиши натижасида ҳосил бўлгандир. Ўрта ва Марказий Осиёга қилинган саёҳатлар натижасида Турон пасттекислиги ва Гоби текислиги яқиндагина денгиз бўлган эди деган гайри илмий тушунча ўз аҳамиятини йўқотди. Тўртламчи даврда денгиз Каспийбўйи пастлигининг анча кичик қисмини қоплагани, Гобида эса учламчи даврда ҳам денгиз бўлмагани аниқланди.

Рус олимлари қитъанинг ичкарасидаги тоғларда уланган музликлар борлигини аниқладиларки, бунинг қилишнинг ўзи жуда мушкул иш эди.

Ўрта ва Марказий Осиёнинг ёзи жазирама иссиқ ва қурғоқчил, қиши совуқ ва офтобли, шамоли кучли, ажойиб иқлимиди ўрганишга оид кенг материаллар тўпланди. Кўпчилик рус олимлари Турон ва Гоби мисолида саҳролар иқлимидининг геологик ролини қайд қилиб ўтган эдилар.

Ўрта ва Марказий Осиёни текширувчилар Ер шарининг бошқа областларига хос бўлмаган гидрологик қонуниятлари: ҳозир сувсиз саҳроларда гидрографик тармоқларнинг яхши сақлангани, дарё ва кўлларнинг ўрин алмаштириб туришининг тушуниб бўлмайдиган ҳодисадек туюлиши, баланд тоғлардаги қорлардан ва музликлардан сув олган дарё ва кўлларнинг суви ёзда кўпайишини аниқладилар.

Рус олимлари Ўрта ва Марказий Осиё ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда кўп иш қилдилар. Улар бу мамлакатларнинг флора ва фауналари Осиё, Европа ва Африканинг бошқа областлари флора ва фауналари билан географик жиҳатдан боғлиқ эканини кўрсатдилар, уларнинг текисликлардаги табиатини тушунтирдилар, тоғлардаги вертикал пояслар системасини аниқладилар, баландликка чиққан сари ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариб бориш қонуниятларини аниқладилар (П. П. Семенов, Н. А. Северцов, Л. С. Берг).

XX асрнинг бошларидаёқ рус адабиётида Ўрта ва Марказий Осиё бепоён территорияларининг илмий асосдаги классификациясини тузишга, яъни бу мамлакатларнинг ташкил топиш тарихини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг табиати бўйича районларга бўлиш схемасини яратишга биринчи марта уриниб кўрилган эди (Л. С. Берг, В. А. Обручев, Б. Б. Полинов).

Ички Осиёни ўрганган рус табиатшунослари бу жойнинг ҳозирги ҳолатини тўғри тушуниш мақсадида унинг табиати ривожланиши тарихини тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳол Ўрта Осиёни ўрганиш билан шуғулланган олимларимизнинг асарларида айниқса яққол кўзга ташланади (Н. А. Северцов, И. В. Мушкетов, А. П. Федченко).

XIX аср ва XX аср бошларидаги рус сайёҳларининг яна бир хусусияти шуки, улар ўз ишларини тажриба билан бирга қўшиб олиб бордилар, табиий бойликлардан халқ фаровонлигини ошириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилдилар (Н. А. Северцов, А. П. Федченко,

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Рус олимлари Ўрта ва Марказий Осиёда	5
П. П. Семенов-Тянь-Шанский	18
Н. М. Пржевальский	39
Н. А. Северцов	66
А. П. Федченко	80
М. В. Певцов	94
Г. Н. Потанин	108
И. В. Мушкетов	124
П. К. Козлов	140
Г. Е. Грумм-Гржимайло	157
В. А. Обручев	171
Л. С. Берг	191
Б. Б. Полинов	208



На узбекском языке

Э. Мурзаев

В ДАЛЕКОЙ АЗИИ

Таржимон М. Қосимов
 Редактор С. Облоқулов
 Техредактор В. П. Барцева
 Корректор Ҳ. Саъдуллаева

Теришга берилди 7/IV-60 й. Босишга рухсат этилди 15/VI-60 й.
 Қоғоз 84×108 1/32=3,5 қоғоз л. Босма л. 11,48 Нашриёт л.
 11,94 Тираж 5000. Баҳоси 7 с. 20 т. Муқоваси 1 с.

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмахонаси, Хо-
 разм кўчаси, 9. Тошкент, 1960 й. Заказ 274. Нашриёт адреси:
 Куйбишев кўчаси, 15.